



# МАМЛАКАТ бўйлаб

## 227 нафар аёл ишли бўлди

Чиноз туманида 64 мингдан зиёд хотин-қиз яшайди. Уларнинг муайян қисми уй бекалари бўлиб, ўз хонадонларида рўзгор ишларини бажаришдан ташқари, касаначилик билан шуғулланиш имкониятига ҳам эга.

Туман ҳокимлиги ва Хотин-қизлар кўмитаси шуни назарда тутиб, касаначиликни ривожлантиришга оид тақдирлар мажмуасини ишлаб чиқди. Тумандаги мавжуд корхона-ташкилотлардан 38 таси бу ишга бош қўшди. Натижада уй шароитида ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишни хоҳловчи аёллардан 227 нафари билан шартномалар тўзилди.

А. ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Ғолиблар аниқланди

Мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган «Энг улуг, энг азиз» танловининг Бухоро вилоят босқичи ниҳоясига етди.

Танлов якунига бағишланган Бухоро шаҳридаги қадимий Нўғай қарвонсаройида тасвирий санъат ва фото усталари, ҳунармандларнинг кўргазмаси намойиш этилди. Истиқлол, Ватан ва эзгуликни тараннум этувчи шеърлар янгради. Танловда мусаввирлар, ёзувчи ва журналислар, ҳайкалтарош ҳамда телерадио ижодкорлари ўзларининг энг сарваз ижод намуналарини билан иштирок қилдилар. Ҳайъат аъзолари улар фаолиятини алоҳида таъкидлаб, бешта йўналиш бўйича ғолиб ва совриндорлар номини аниқлади. Ғолиблар энди танловнинг республика босқичида қатнашадилар.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## «UZINFOCOM» — беш ёшда

Яқинда «UZINFOCOM» ахборот ва компьютер технологияларини ривожлантириш маркази беш ёшга тўлди. Марказ 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан ташкил этилган.

Айни пайтда «UZINFOCOM» маркази мамлакатимизда ахборот-коммуникация соҳаларини ривожлантириш жараёнида фаол иштирок этиб келмоқда. Марказда фаолият юритаётган 75 нафар мутахассис ахборот хавфсизлиги масалалари юзасидан тегишли курсатмалар берибгина қолмай, Интернет тармоғида «UZ» доменлари сони ошишига ва яна кўплаб ахборот технологиялари соҳасининг ривожланишига хизмат қилмоқда.

«UZINFOCOM»нинг келгуси режалари аҳолининг ахборот технологиялари соҳасига қизиқишини турли лойиҳалар ёрдамида янада оширишди.

О. ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Жамғарманинг хайрли ишлари

Биласиз, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси кам таъминланган, ногирон болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида турли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди.

Жумладан, Германиянинг «Фриденсбург Интернешнл» халқаро ташкилоти билан 12 ёшгача бўлган бемор ва ногирон болаларни Германиянинг нуфузли клиникаларида даволаш ва реабилитация қилиш бўйича шартнома имзоланди. Жамғарманинг Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда қанди диабетта чалинган бемор болалар учун яқинда ўтказган хайрия акцияси ҳам ана шундай ҳамкорлик самарасидир. Эндокринология илмий-тадқиқот институти ходимлари, 180 нафарга яқин бемор болалар ҳамда ота-оналар иштирок этган тадбирда мазкур касаллик билан оғирган болаларга ташкилотчилар томонидан инсулин дори воситаси топширилди.

М. ЖОНИХОНОВ.

## Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмасида фермер хўжалиқларига четдан олиб келинаётган наслик чорва молларни парваришлаш ва наслчилик ишларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

## Чорвадор фермерлар семинари

Мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, тармоқда қорамоллар наслини яхшилаш ҳамда мустахкам озука базасини яратиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Бугунги кунда юртимизда мазкур соҳага иқтисодлашган қариб 13 миң фермер хўжалиғи фаолият юритмоқда. Уларда 511,3 миң баш чорва парваришли қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартда қабул қилинган «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларни қўлайлиги рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори бу борадаги ишловларни чуқурлаштириш, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини янада юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кардара хўжалиқлар ва аҳолининг эздор, сермахсул чорва моллар, омиқом ва мизрали озука билан таъминлаш, зооветеринария ва бошқа турдаги сервис хизмати кўрсатишни янада кенгайтириш зарурлиги таъкидланди. Бу эса жойлардаги давлат ветеринария бошқармалари ва бўлимлари зиммасига алоҳида масъулият юклатди.

Семинарда четдан наслик мол олиб келишни молиялаштириш, хорижий усулларни келтиришда бошқона ва бошқа тўловлар бўйича амалий ёрдам ва маслаҳатлар кўрсатиш юзасидан фермерларга зарур тавсия ва тушултиришлар берилди.

С. ШОЕВА, ЎзА мухбири.

## Даромадга яраша буромад

«Урганч-ё» акциядорлик жамияти жамоаси йил бошидан буён 9664 тонна ўсимлик ёғи ишлаб чиқаришга эришди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 709 тонна кўп маҳсулот тайёрланди, демакдир. Бу ерда Украинадан келтирилган соядан ёғ ишлаб чиқариш ишлари ҳам муваффақиятли равишда амалга оширилди.

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# ПАРЛАМЕНТАРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қилиш ва тасдиқлаш жараёни билан белгиланади. Демак, фракциялар фаолиятининг кучайишига қараб, унинг аъзолари мақоми ва фаолиги ҳам ўсиши, уларнинг Ўзбекистон сиёсий тизимини модернизация қилиш бўйича қонун ижодкорлиги жараёнида иштирок этиш даражаси оширилиши даркор. «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни 2008 йилнинг 1 январидан қуча киради. Шу сабабли Спикер ўринбосарларининг сайланиши ушбу қонуннинг сиёсий партиялар фракциялари фаолиятини ташкил этиш, жумладан, ижро ҳокимияти органларини шакллантириш жараёнида уларнинг иш-

тироки, қонун лойиҳаларини қўриб чиқиш ва қабул қилиш механизм ҳамда тартибини ривожлантириш билан боғлиқ асосий қонунларини бугундан бошлаб тизимли, комплекс ва асосли тарзда амалга оширишга тайёрланиш имконини беради. ЎзЛиДеПнинг Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарларини сайлаш борасидаги ташаббуси ҳам айнан ушбу ҳолат билан боғлиқ. Қонунчилик палатаси Спикерининг янги ўринбосарларининг сайланиши Қонунчилик палатасидаги партиялар фракцияларининг ваколати ва имкониятини кенгайтириш билан бир қаторда парламент кўйи палатасида қарорлар қабул қилиш жараёнида янада демократлаштириш имконини беради. Фракция аста-секин мамлакат олий қонунчилик органи фаолиятининг мазмун-моҳияти ва йўналишини белгилаб берувчи парламентнинг ҳаракатлантирув-

чи асосий қучига айланади. Муҳим ташкилий-ҳуқуқий ўзгаришлар электорат манфаатлари, партияларнинг дастурий курсатмаларини янада фаол илгари суриш, аҳоли ижтимоий фаолигини оширишга туртки беради. ЎзЛиДеП, «Адолат» социал-демократик партияси, «Фидокор» миллий-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ-демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партиясидан Спикер ўринбосарларини сайлаш тўғрисидаги қарор, қонун лойиҳалари, палата тасарруфидидаги бошқа масалалар, реал қўл партиявийлик ва сиёсий фикрлар хилма-хиллигини ривожлантириш жараёнида тобора кучайиб бораётган фракциялар ўртасида баҳslashиш ва кураш эътиборга олинган ҳолда қабул қилинди.

Хар қандай ҳуқуқ – бу аввало масъулият демакдир. Қонунчилик палатасида раҳбар лавозимини эгаллаш имконияти ҳар

бир партиянинг ўз электорати, партия аъзолари олдидидаги ва ўзларининг сайловди дастурларини бажариш маъсулиятини, қабул қилинаётган қонунлар сифатини янада оширади. Мамлакатимиз сиёсий партиялари, маълумотларга қўра, яқин вақт ичида Нисозларига ўз аъзоларининг сиёсий маданиятини ошириш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни чуқур ўрганиши, уларни ҳал қилиш йўллариини аниқлаш бўйича чораларни қўзда тутувчи ўзгариш ва қўшимчалар киритишни мўлжалламоқда. Сиёсий партиялар дастурларига ҳам тегишли равишда партия фракциялари ва уларнинг парламентдаги тўзимлари самарадорлиги ҳамда ҳам-жаҳатлигини оширишга қаратилган қўшимчалар киритиш тақлиф этилмоқда.

Хорижий экспертларнинг таъкидлашича, Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши тўғрисида сиёсий партиялардан

Яхши хабар

Янги ўқув йили бошланишига ҳам бир ойдан камроқ вақт қолди. Шу муносабат билан Бухоро шаҳридаги «Дилқушо» АЖ худудидида аънавий мактаб бозори очилди.

## Мактаб бозори очилди

Унда ўқувчилар кийим-кечаклари, канцелярия ашёлари, турли ранг ва ҳажмдаги сумкалар арзон баҳорда сотилмоқда. Бундай мактаб бозорлари «Сомоний» АЖ, «Тўқимачи» АЖ, шунингдек, вилоятдаги барча шаҳар ва туманлар марказларидаги бозорларда ҳам ташкил этилди.

А. ҚУДРАТОВ, «Туркистон-пресс» мухбири. (ЎзА).



гандилар. Шундан буён вилоятга деярли ҳар йили янги бўльдозерлар, экскаваторлар ажратилади. Мана, яқинда ҳам Сирдарё ва Жиззах вилоятларига 10 та бўльдозер, 42 та экскаватор берилди. Ҳар йили мунтазам равишда миллиардлаб маблағлар ери сифатини тиклашга, унумдорлигини оширишга сарфланади. Агар Сирдарё вилояти бўйича 2004 йилда 700 километр узунликдаги хўжалик ички зона вурлари тозаланиб, фермер хўжалиқларига қарашли 21.000 гектар майдондаги зовурларнинг техник ҳолати яхшиланган бўлса, 2005 йилда бу кўрсаткич 18.000, 2006 йилда 15.000 гектарни ташкил этди. Натижада, икки йилдириқ, бу ерда пахта ва галла

## Бунёдкорлик ва саодат мезонлари

Ўтган йили вилоятда 472 тонна пилла этиштирилгани, 371 миң тонна галла тармоми уйилгани, давлатга 265 миң тонна пахта сотилгани, санаот корхоналарида 15 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилгани хисобидан тўшган маблағ улкан ободонлаштириш, бунёдкорлик ишларига йўналтирилмоқда. Бугун Сирдарёнинг исталган бурчагига бориқ, қурилиш кўрасиз, Боғ-роғлар ҳаёт этилаётганига гувоҳ бўласиз. Вилоят худуди орқали ўтган «Тошкент — Тер-

ва хотиржамлик берди, қўларимизни равшан қилди, кўксимизни тоғдай қутарди. Фурур-ифтихор, умид ва орзулар фаслини туффа этди.

Бу мактаб биноси, чиндан ҳам, худди эртақлардаги кичик қасрга ўхшайди. Хоналар кенг, шифти баланд, ёруғ, эшиклари пишиқ-пухта, деразалари ҳозир русумга кирган алюминийдан. Йўлқаран равоқ. Мактаб ҳовлиси 1 гектардан ошиб, бу ерда футбол, баскетбол майдони бор. Майдоннинг рўparasида 12 x 24 ўлчамли, жуда ҳам шинам спорт зали барпо қилинган.

Шаҳар марказидаги римликлар кўраси лол қоладиган амфитеатрда эса ҳар ҳафтадан навбати билан туманлардаги санъаткорлар концерт бермоқдалар. Шу ойдан бошлаб мазкур амфитеатрда деярли ҳар кун баэм, концерт, уюштириш қўзда тутилган.

Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги арафасида, шунингдек, Гулистон шаҳрида 3 мактаб, санъат коллежи, академик лицей, бокс саройи, оилавий поликлиника, 2 та меҳмонхона, савдо макази, Янгигер шаҳрида 2 та мактаб, икки қаватли тўйхона, Боёв туманида 6 та мактаб, агросаноат касб-ҳунар коллежи, Гулистон туманида 3 та мактаб, маншай хизмат қўратиб касб-ҳунар коллежи, Оқолтин туманида 2 та мактаб, Мирзаобод туманида 5 та мактаб, қурилиш ва коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежи, Сирдарё туманида 8 та мактаб, Ховос туманида эса 5 та мактаб ва бошқа қанчадан-қанча иншоотларнинг тантанали очилиши маросимлари бўлиб ўтади.

## Эзгулик боғлари

Истиқлол йилларида вилоятда салкам 2,5 миң гектарлик боғ-роғлар барпо этилди. «Ҳомийлар ва шифокорлар боғи», «Битирувчилар боғи», «Синфдошлар боғи»... Ҳар бири гўзал ва ораста. Бизга, айниқса, вилоят миқёсидаги ташаббус — 1-синфга борадиган бола этиб тул қўнат экиши, уни тахсил давомида парваришлаши, ўзидан эсдалик сифатида қолдириши байратга соғди. Дарахтлар болалар ҳилан улғайди, унинг меҳрини, мухаббатини туйиб, вояга етади.

Дарахтлар ва бола ўртасида йиллар давомида яқинлик шаклланади. Бола дарахтларни парваришлаб, ўзи тарбия топади, табиатни англайди, уни севишни, эъозлашни ўрганади.

Сирдарёда кейинги йилларда мингмиңлаб тул дарахт қўчатлари ҳам экилди. Қизил, аксариятини болалар ўтказишган. Улар Сирдарё дарахтлар юртини, қўм-қўқ воҳага айланishiда ўз салаларини қўшаётганларидан деймиш.

Қарс икки қўлдан чиқди, дейишди. Болалар вилоят мутасаддиларининг гоёсини қўллаб-қувватлашган экан, мутасаддилар ҳам, ўз навбатида, болаларнинг тақдирларини амалга оширишлари лозим. Бу гап қимдан чиқди, билмадиг-у, ҳарқалай, Гулистонда очиб қўйилган сув хавзалари тевизика барпо этила бошланди. Айниқса, шундоққина «Дўстлик» канали ёнида узунлиги 180 метр, эни 30 метр бўлган, тулбетонланган сув хавзасида етти ёшдан-етмиш ёшгача бўлган гулистонликларнинг мириқиб сувда қўлч отаётганларини томоша қила туриб, ўзининг ҳам сувга талпиниб қолмаси. Болаларнинг гала-говури, қий-қирқилари кўнглингизга ҳузур бағишлайди. Биз бу ҳавзада Ойбек ва Жаҳонгир исмли йиғитлар билан гаулашиб қолдик. Улар «Тошкентдан бу нақаси йўқ», — деб керилиб қўйишди. Шаҳарнинг бешинчи мавзасидаги бундан сал кичикроқ сув хавзасини ҳам таърифлаб беришди. Шаҳарнинг ҳар бир маҳалласида шунча хавзалар бўлсайди, деб ният қилишди. Шаҳар раҳбарлари, ўз навбатида, бизга шундай бўлажagini таъкидлашди.

Болалар билан сўхбатлашиб бўлган, куранг ҳақида сўрадик. Улар чуқурлаб йўл кўрсатишди. «Хозир жарангайди, тезроқ бориңлар. Аённи оқшом тушганда чироқларни ёқишди, фавворалар отилади», — деб қўлишди.

# СИРДАРЁЛИКЛАР

## ёхуд қуёш фарзандлари



(Давоми. Боши 1-бетда).

Ғира-шира тун адоғида автобусда Сирдарёга отландим. Автобус тула ёш йиғит-қизлар. Гап-сузларидан аксарияти талабалар... Таътилга чиққан чоғи, сўхбатлари тинмайди. Қайси бирининг «Сирдарё куранти эрталаб соат бешда жаранглаётганида суратга тушас, қуёш сарғиш ранга кирган бўлади. Зўр сурат чиқади» оёгани мени ажаблантирди. Бошқа бири «Дўстлик» канали ёнидаги сув хавзасида дипломни ювмиш» деб, ҳаммани эсанқиратиб қўйди. Қанақа курант, қанақа сув хавзаси? Икки йил олдун бунақа гаплар йўқ эди-ку!

Ешларга бора-боревчи хавасим келади. Уларнинг қўлигима қалинган узук-юдук сўхбатларида «қуёш» сўзи кўп тилга олинганидан ақлим шошади...

Таассуфки, автобус Сирдарёга соат 5 да эмас, 6 дан ўтганда етиб келди. Шовқин-сурон кўтариб, қаҳқаҳа отиб йиғит-қизлар тўрт тарафга тарқалишди. Мен эса темир йўл устида ўрнатилган, пиёдалар учун мўжалланган кўриқдан ўтиб, Сирдарё маркази — Гулистон шаҳри бозори томон йўл олдим.

## Тупроғида сув шивирлайди

Сирдарёнинг бугунги, эртаси, келажак суви билан боғлиқ. Қадимда «Туртортар» анҳори, «Қарой» ва «Мирзаработ» ариқлари Зарафшон дарёсининг суви оққан. Асрлар ўтиб, бу ариқлар қуриди. Эски ўринбой ариқчига Сирдарё тумани далагарига оби-хаёт улашиб турибди.

Алҳол, «Ариғи боринг баракаси бор» деб айтилган нақл бежиз эмас. Вилоятдаги ҳар бир одам бу нақлнинг қадрини жуда яхши билади. Шу боис Сирдарёга туташган ўнлаб каналларга юзлаб ариқлар барангнинг назариди. — Ариқлар — сувнинг уйи, — дейди Қўйи Сирдарё ирригация тизимлари хавзаси бошқармаси бошлигининг ўринбосари Аваз Мутонов. — У озода, балчиқдан холи, текис, равоқ бўлса, сув шу уйга қиради. Акс ҳолда, ер бағирлайди, инжиқлик қилади. Шу пайтгача кўп мухбирларга айтдим, ёзишмади, Сирдарёнинг суви сулув қилардай нозиланади, табиби нозик. Унга ширин муомалада бўлиш керак. Муомала эса нима? Ариқларни, зотла вурларни тозалаш, обдон яхши ҳолатга келтириш. Ариқдан сув ўтса, зовурдан тупроқнинг зардиби чиқиб кетади...

Яна бир гап. Сув билан тупроқ ўзаро алоқ-чапоқ бўлиб кетиши учун мувозанат, ақл, тадбир, эътибор зарур. Худого шукур, мана, уч-тўрт йилдириқ, аҳвол тубдан ўзгарди, ақли, тадбири, эътиборли шароитлар яратилди. Айниқса, Президентимизнинг маслаҳатлари, йўл-йўриқлари Сирдарёга тупроқнинг саломатлигини қайтарди берди, сувларнинг тиниқлигини яхшилади.

Хўжайдан ҳам, шундай. Юртбошимиз 2003 йилнинг биринчи ярми йиллик якунларига бағишланган мажлисда Сирдарё ва Жиззах вилоятларида ерларнинг мелiorатив ҳолати, мавжуд ер, сув захираларидан оқилна фойдаланиш борасида кўниб гапирган эдилар. Ушанда сув хўжалиқлари тармоғини молиявий, моддий-техник жиҳатдан таъминлашга алоҳида урув берилди, масаланинг ечимини топиб бер-

бўйича шартнома мажбуриятлари ошириш удрдаланапти. Ваҳоланки, 4-5 йил олдун аҳвол мулқоқ тексари эди. — Давлатимиз раҳбари Сирдарёга ҳар келганларида бизга далда берадилар, «Мард, фидойи инсонлар юрти бу» деб таъкидлайдилар. Сирдарёни тушуниш, уни қаттиқ севиш, тупроғига, сувига меҳр бериш керак. Шунда у сиз билан яшайди, муруватини аямайди, саховат қўрсатади, — дейди Шўранак-Сирдарё ирригация тизими бошқармасининг Сирдарё бўлими бошлиғи Эшбой Йўлдошев.

Хозирга қадар туманининг 1000 километрик ариқлари тозалаб чиқилди. Тез орада деярли барча ариқларда сув яйраб, яшаб оқди. Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси аъзолари сув бошидан кечаю кундуз кетишгани йўқ. Гидротехник назоратчилар оби-хаётдан оқилна фойдаланишни тартибга солиб туришибди. Ҳар 50-60 метрда ўқариқ олиниб, далагарга сувнинг етиб бориши, эгалларга текис таралиш миқдорларининг кўз остида.

Миробларнинг сай-ҳаракатлари, умуман, ерга янғича муносабатнинг шаклланиши тўғрисида Сирдарё яқин келажакда чул худудидан яшил водийга айланса, ажаб эмас.

## Бой бўлишнинг вақти келди

Хотиржамлик, тинч-тотувлик, ишонч ва қатъият ҳукм сурган юрда росмана яшашга бўлган иштиёқ қучаяди. Вилоятда бугун кечагидан яхшироқ, янада фаровон, тўқин-сочин кун кеңиришга пойдевор қўйилди, десак, хато бўлмайди. Истиқлол йилларида 142 та қишлоқ врачлик пункти бунёд этилиб, улар 4,5 миң долларлик замонавий тиббий ашжомлар билан жиҳозланди. Вилот шифохонаси қосида Шошилик тиббий ёрдам маркази, 120 ўринли болалар шифохонаси қурилди. Аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш мақсадида 2006 йилда 45 млрд. 543 миллион сўм сарфланган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткичнинг 76 млрд. 278 мил-

листон-ёғ», экстракт очик хиссалдорлик жамияти раисининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари Шерали Ўктамов. — Корхонамиз вилоятнинг тўнчиқ корхоналаридан. Мураккаб даврларни бошдан кечирдик. Бироқ давлатимизнинг оқилна иқтисодий сиёсати сабаб ҳозир юксалиш палласидамыз. Кучли ижтимоий ҳимоя, бозор муносабатларининг тадрижий шаклланиши корхонамизда ўзига хос ишчиллик, ўзаро ҳамкорлик, аҳиллик ва яратувчиликка асосланган муҳитни яратди. Нега десангиз, жамоамизда 70 нафар ортық турли миллатлардан 100 дан ортық вақли меҳнат қилди, ҳар бири ўртача 12 миң сўмдан зиёд маош олади.

Ўтган йили 13 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик. Бўнинг эвазига 300 млн. сўм соф фойда қўрдик. Шундан 150 млн. сўми ишлаб чиқаришни модернизациялашга сарфланган бўлса, 150 млн. сўми акциядорлар дивиденд сифатида берилди. Корхонага Германиядан янги технология ускуналар келтирилиб ўрналатилди. Ишчилар учун ювиниш, дам олиш хоналари, ошхона хизмат қилмоқда. Нам таъминланган оилаларга эса меҳр-муруват кўрсатилаяпти. — Узок йиллардан бери шу заводда фаррош бўлиб ишлайман, 5 нафар фарзандим бор, — дейди Ўктамов опа Жамолитдинова. — Раҳбарларимизга раҳмат! Оиламизга сиғир олиб берилди. Эндликда сўг-қатияни болаларим ҳузур қилиб ичинаяпти.

Ҳаши-паш деғунча оқшом кирди. Шоши-пишиб «Қуран» та яқинлашдик. 10-15 метрик баланд нуртубога ўрнашган катта соат. Унга бораверишда кенг йўлак, йўлакнинг икки четида сақлин ичимликлар, музқаймоқлар сотилаётган гитли хушбичиқ дўкан. Ҳар иккаласининг тепасида лайлак. Шамода бу лайлаклар айланади. Дўканлардан курантгача фавворалар... Курант соат 9 да занг урди, чироқлар ёнди, фавворалар отилди. Атфори қўйқирқиб босиб кетди. Ана томоша, мана томоша! Тумонат одам. Қўларни ёнади, лабларига табасум.

Абдували ҚУТБИДИНОВ.

ОГОХЛИК

Дунё яралибдики, оқу қора, яхшию ёмон, рост ва ёлгон ёнма-ён яшайди. Ер шари айланмишдан, борлиқ ривожланиш ва ўзгаришдан тўхтамайди. Бироқ, жамият тараққиёти оламшумул ижобий янгиликлар билан бирга, инсоният олдида янги-янги муаммоларни ҳам қўя боради. Бугунга келиб, тан оламизми-йўқми, қалбаки маҳсулотлар кўпайди: кийим-кечаклар, озик-овқатлар, дори-дармонлар... Уларни шунчалар маҳорат билан ўхшатиш-аяптики, асл нусхадан ажратиш анча мушкул. Шу ўринда сохта танга ҳақиқийсидан яққироқ бўлади, деган ибора ёдга тушади. Бундан ёлгон ахборотлар ҳам мустасно эмас. Уларнинг асл моҳиятини англаш учун эса инсонга билим, ҳаётий тажриба, ақл-заковат зарур бўлади.

# СОХТАЛИК ОРТИДАГИ ФАРАЗ

Куш озука илнжиди туюққа тушади. Билмасдан туюққа тушади. Сичкон ёки каламуш захарланган озуқани еб қўйиб ўлади. Билмасдан еб қўйди ва жисми захарланади. Булар-ку нафс қўйига кирган онгсиз жониворлар. Бироқ, мафкура майдонида инсон алданса, бунинг фожиаси эмасми? Чунки, захарланган ахборотлар инсон онгини, руҳини мажруҳ қилишга, ягона мақсад сари интилаётганлар орасида парокандаликни юзага келтиришга йўналтирилган.

Хар қандай ахборот хуружга қарши иммунитетни таъминлайдиган омил ёшларни миллий гоё билан қуролантириш, тарихимиз ва маънавий меросимиздан бахраманд этиш, уларнинг қалбига миллий гурур ва ифтихор туйғусини камол топтиришдир. Шу мақсадда аҳоли орасида тарғибот ишлари қўлами ва таъсирчанлигини ошириш, мустақиллик йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари тўғрисида кенг маълумотлар бериш, экстремистик гоё тарафдорларнинг муҳим мақсадлари ва онгига миллий истиклол гоёсини, ватанпарварлик, эл-юртга садоқат туйғуларини сингдириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.

Базилар бундай ахборотларни чеклаш керак, дейишларди. Бизнингча, тараққиётнинг бугунги босқичида бу анча мунозарали масала. Чунки, эркин фуқаролик жамиятига ўтиш билан хар қандай чеклашлар йўқола боради. Қолаверса, чеклашлар одамларда айниқса, ёшларда ўша нарсаларга қизиқишнинг орттишига олиб келиши ҳам барчага аён ҳақиқат. Таққиланган таом ширин бўлади, дейдилар-ку! Дикқинафас бўлиб ўтирган хонангиз деразаларини очиб ташлангангиз, ташқаридан соф ҳаво билан бирга, шабадада учиб юрган чангу гўборлар ҳам кирди. Истиклол шарофати билан жаҳонга юз тутган Ўзбекистонга кириб келаётган яхши-ёмон гапларни ҳам тафаккур элагидан ўтказиб, ўз ўрнида муносабат билдиришга одатланишимиз керак, холос.

Жамиятнинг кичиккина бўлини — оилада ҳам ўзига яраша муаммолар бўлади. Хар қандай тўқин оила ҳам бундан мустасно эмас. Мустақилликка эришган бутун бошли давлатда ўтиш даврида қўйинчиликлар, муаммолар бўлиши табиий. Мажруд муаммолар шу юрт фарзандларининг ақл-заковатлари, оқилона тadbирлари ва фидокорона меҳнатлари билангина ечилади. Бошқа йўл йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Улар ҳақида бурттириб, ваҳимали қилиб сафсата сотаётганлар эса халқ манфаатларини эмас, ўзларининг асл қўбфалари ва гаразли мақсадларини ниқоблашни ўйнайдилар, холос.

Хабиб СИДДИҚ, ёзувчи, Андижон қишлоқ хўжалик институти «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари.

Бу нарсани яхши англамоғимиз ва атрофимиздагиларга ҳам аниқламоғимиз даркор. Утган йили Андижонга Италиядан бир меҳмон ташриф буюрди. Ўзининг эътироф этишича, у эллик йил муқаддам онаси билан ўзга юртларга кетган экан. Умрини хоржиқ юртларда ўтказган она қариган чоғида ҳам Ватанини кўмасаб, ўглини юборибди ва «Отаннинг қабридан бир сиким тупроқ олиб кел, вафот этганимда ёнимга қўйиб қўмасан», деб илтижо қилибди.

Хеч ким Ватандан айро бахт топган эмас. Ватанга тош отмоқ эса энг оғир гуноҳдир. Истиклолнинг моҳиятини англайдиган, тинчлик, осойишталикнинг қадрига етадиган, Ватани, унинг шаънини муқаддас билладиган ва кўз қорачиқидек асрайдиганларгина эл орасида азият муқаррам бўлади. Ватанини, киндик қони тўқилган тупроқни муқаддас билган одам ҳеч қачон сотилмайди.

Шу азиз Ватанини, унинг мустақиллигини ёмон кўзлардан ва ёмон сўзлардан асраш, муносиб ворисларини тарбиялаш хар биримизнинг муқаддас фуқаролик бурчимиздир.

Президентимизнинг 2006 йил 17 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим омил бўлаётди. Жорий йилнинг ўтган даврида йигирмадан зиёд



## “Niso Tekstil”нинг нуфузи ортмоқда

Роқия Хабиялиеванинг бичиштикишга ишқи ешигиданоқ бошланган. Бу хунара бўлган меҳр, уқиб изланиш туйғули у маҳаллада моҳир чевар бўлиб танилди. Бугун у тадбиркор. Ҳзи иштиқомат қилаётган Занеюта туманидаги “Наврўз” маҳалласида жойлашган “Niso Tekstil” хусусий корхонасининг раҳбари.

— Ойла, иш бошида роса шикландим. “Эйлаб кета оламизми?” деган ҳадик бор эди. — дейди Р. Хабиялиева. — Юртимизда тадбиркорлар учун яратиб берилган имконият, имтиёзларнинг моҳиятига чуқурроқ етказ, ўзимга бўлган ишонч янада ортди. Шу тариқа 2005 йили корхонамиз иш бошлади. Бунинг учун Хитой, Германия, Корея сингари давлатлардан замонавий бичиш-тикиш ускуналарини келтирдик.

Болалар кийим-кечаги тайёрлашга иштиқоматланган мажруҳ корхонада айни пайтда 40 нафар тикувчи меҳнат қиламоқда. Улар томонидан тикилаётган маҳсулот турли 70 халдан ошиб кетди. Болалар кийимлари тўқиб табиий матодан тикилаётгани туйғули сифати юқори. Бу эса маҳсулотларининг ички бозорда харидорлар бўлишини таъминлайпти.

СУРАТДА: жамонинг моҳир чевари Марина Исмомилова.

К. ҲЛМАСОВ олган сурат.

## СЕРВИС ХИЗМАТИ РИВОЖЛАНИШДА

Навоий вилоятининг Нурота туманида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

19 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. — Банкдан кредит олганимдан кейин ишим янада юришиб кетди, — дейди “Нурота шаҳридаги ИБН Сино номидagi маҳалла фуқаролар йиғинидаги яшовчи тадбиркор Исроиил Шамсуддинов. — Замонавий саргароҳона очиб, миқозларга хизмат кўрсатилган.

Эркил УМАР, ЎЗА мухбири.

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Кўприк қулаб тушди

АҚШдаги Миннеаполис шаҳрида автомобиллар тикилинч пайтида Миссисипи дарёси устига қурилган кўприк қулаб тушди.



Фалокат рўй берганда, кўприкда бир неча ўнлаб автомобиль, юк машиналари ҳамда мактаб ўқувчилари автобуси бор эди. Сўнгги маълумотларга қараганда, фоҳиа оқибатида камида етти киши ҳалок бўлди. 60 киши шифохонага ётқизилди. Уларнинг бир нечасининг аҳоли оғир. Хозирча кўприк нима сабабдан қулаб тушгани маълум эмас. Мамлакат миллий хавфсизлик вазирлиги бу воқеани терактга дахлсиз деб тоғди. Айни пайтда воқеа жойида қидирув-қутқарув ишлари давом эттирилмоқда. Кўприк 1967 йилда қурилган бўлиб, унинг узунлиги 160 метрни ташкил қилган. Ундан хар қуни тахминан 200 мингга яқин автомобиль ўтарди.

### Таъминотда узилиш бўладими?

“Газпром” Поляша ҳукуматини газ таъминотида узилиш бўлиши мумкинлигиндан огоҳлантирди.

Компания Беларусь жорий йилнинг биринчи олти ойи учун газга ҳақ тўламаганини сабабли мажруҳ мамлакатга углеводород ёниғинини етказиб бериш 45 фоизга камайишини билдирган. Шу муносабат билан “Газпром” Европадаги ҳамкорларини ҳам огоҳлантириб қўйди. Поляша иқтисодий вазир Петр Возняк “Газпром”дан томонлар ўртасида имзоланган шартнома шартларига риоя қилинишини уқтирди.

Шу муносабат билан Еврокомиссия ҳам йиғилиш ўтказди. Улар Беларусь ҳукумати ва “Газпром”ни ушбу масаллада тезроқ бир қарорга келишга чақирди. Айни пайтда Беларусьнинг “Газпром”дан 456 миллион доллар қарзи мавжуд.

### Қуроллар йўқолган

Бағдод гарбиде ёниғи ташуви машина портлаши оқибатида 69 киши ҳалок бўлди. 60 га яқин одам жароҳатланди.

Гувоҳларнинг айтишича, машинани қамқадзе бошқарган ва одамлар гажум жойда портловчи усқунани ишга солган. Бундан ташқари, мамлакат хавфсизлик қучларига Пентагон томонидан берилган 100 минг донга “Калашников” автомати ва 80 минг донга пистолет исзис йўқолган. Манбада келтирилишича, АҚШ Ироқ хавфсизлик қучларини шакллантириш учун 2003 йилдан бун 19,2 миллиард доллар сарфлаган.

### Сайловолди кампанияси бошланди

Украинада кеча мудардидан олдин ўтказилладиган парламент сайловолди кампанияси бошланди. Яна 58 кундан сўнг, яъни 30 сентябрь кун украинликлар ўз номзодларига овоз берадилар. Виктор Ющенко мамлакатда сиёсий инқироз келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида амалдаги Олий Раданинг шу йил 7-10 август кунлари бўлиб ўтиши кутилаётган йиғилишини таққилови фармонга имзо чекди. Мамлакат адлия вазир Александр Лавринювич эса президентнинг ушбу фармони Украина Конституциясига зид, деб баҳолади.

Эслаб ўтамиз, шу йилнинг 27 май кун президент, бош вазир ва парламент раҳбарияти мудардидан илгари сайлов ўтказишга келишиб олишганди.

«Алрос» кампанияси Еқутистонда янги олмос қони топиғанини маълум қилди. У ерда 3,5 миллиард долларлик қимматбах тошлар мавжуд. Мамлакат табиат ресурслари вазирлиги ҳам ушбу маълумотни тасдиқлади. Еқутистонда Россиянинг 90 фоиз олмоси казиб олинади. Лекин сўнгги 10 йил давомида геологлар бу ҳудудга янги қони топа олишмаганди.

Таъқидлаш керакки, «Алрос» олмос ишлаб чиқариш ҳажми буйица дунёда туртинчи ўринда туради.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

# ЎЗТЕМИРЙЎЛКОНТЕЙНЕР» ОАЖ

## ЖАМОАСИ

мамлакатимизнинг барфа темир йўлчиларини кириб келаётган касб байрами ~

### Темир йўлчилар кунин

билан муборақбод этади!

Инсонларнинг узогини яқин, оғирини енги қилишдаги савобли ишларинингда савб-бардош ва кўтариники қайфият тилаймиз.

Барғаннизининг оила аззоларинингда соғлиқ ва хоширжамлик ёр бўлсин.

## Эл дастурхонига

Марғилон шаҳридаги «Ризқ-рўзимиз» акциядорлик жамиятида шаҳарнинг 2000 йиллик тўйи муносабати билан янги турдаги нон ва нон маҳсулотлари тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Шу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида савдога 954 тонна нон ва нон маҳсулотлари чиқардик, — дейди акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Мирзахалил Фофуров. — Ишлаб чиқариш самарадорлиги икки хисса ошди. Жамият аъзолари

шаҳарнинг қутлуғ тўйи муносабати билан ўтказилаётган ҳашар ва тадбирларда фаол иштирок этмоқда. Хусусан, «Ватан» маҳалла фуқаролар йиғинидаги кўп қаватли уйлари таъмирлашга маблағ ажратилди.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА мухбири.

## ҒИШТ ЗАВОДИГА

ҒИШТНИ ПЕЧГА ТЕРУВЧИЛАРНИ ВА ГАЗ-ЭЛЕКТР ЧИЛАНГАРЛАРНИ ЮҚОРИ МАЪШРАИ ИШГА ТАҚИФ ҚИЛАМИЗ.

### Ётоқхона таъминланади.

Тел.: 388-15-80, 137-12-62.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га

9.00 дан 18.00 гача

136-09-25

132-10-63

242-хона

КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. E-mail: Xalk\_suzi@rambler.ru

Тел.: 215-89-89, 215-83-38. Кафолат — 2 йил.

Махсулот сертификатланган.

HYUNDAI Official Partner www.hyundai-motor.com

<p><b>Сервер</b></p> <p>PY ECO200S2A XEON DP 5050 2 x 250G 2X 1GB ECC DVD-RW DL</p>	<p><b>LCD Мониторлар</b></p> <p>SCENICVIEW A17-2 SCENICVIEW E19-6</p> <p>Кафолат — 3 йил</p>	<p><b>Ноутбуклар</b></p> <p>FUJITSU SIEMENS COMPUTERS</p> <p>Баҳоси — 1 250 000 сўм ва ундан юқори.</p> <p>Кафолат — 2 йил</p>
<p>Монзил: Тошкент ш., Лисунов к., 2-уй. Тел.: 194-60-60. Факс: 120-74-93. www.nuron.uz</p>	<p>Шахсий компьютер FSC</p> <p>ESPRIMO P2511 946GZ CPU 420/512MB/ 80 GB Serial/DVD Serial ATA/Linux</p> <p>Кафолат — 3 йил</p>	


# Қўшиқларда Истиқлол мадҳи



Мустиқликнинг 16 йиллиги, «Шарқ тароналари» VI халқаро мусиқа фестивали, Самарқанд ва Марғилон шаҳарларининг тўйлари тобора яқинлашиб келмоқда. Ватанимиз санъат аҳли ҳам таштаналарда муносиб қатнашиш тадбирларида. Абдуқошим Исмоилов, Фаррух Зокиров раҳбарлигидаги «Мақом» ансамбли, халқ чолғу оркестри, Жўра Шукуров номидаги хор жамоаси айни кунларда байрамолди тайёргарлиги тадбирларида фаол иштирок этмоқдалар.

Йил давомида Истиқлолимизни мадҳ этувчи 60 дан ортиқ қўшиқлар ёзилди. Бу жараёнда шоирлар билан ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланди. Қўшиқ матнлари махсус кенгаш аъзолари ёрдамида саралаб олинди. Мусиқа басталашда ҳам ушбу усулдан фойдаландик. Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоир шеърлари асосида «Ҳеч кимга қарам бўлмади Ўзбек» деб номланган 13 та қўшиқ радиотасмаларга кўчириб қўйилди. Шунингдек, Дилором Омонллаева, Бахрулла Лутфуллаев, Ҳабибулла Раҳимов, Фарход Алимов каби бастакорларимиз Абдулла Орипов, Жуманиёз

Жабборов, Хуршид Даврон, Азим Сулон, Замира Рўзиева шеърларини куйга солишди. Айниқса, ёш бастакорларимиздан Муҳаммад Отажонов, Ойдин Абдуллаева, Хуршид Ҳасанова, Нуриддин Ғиёсов ва Қоҳрамон Комилловлар ижодий фаоллигини алоҳида таъкидламоқ ўринлидир. Узим ҳам Ватанга муҳаббат ва Истиқлол ғояларига садоқатни улуғловчи бешта қўшиқ ёздим. Улар «Мангу ҳаёт» (И.Мирзо шеъри), «Посбонларимиз» (М.Юсуф шеъри), «Истиқлол қўшиғи» (М. Мирзо шеъри), «Давра қўшиғи» ва «Юрт ўғлонлари» (Н.Нарзуллаев шеърлари) деб аталади. Ижод маҳ-



сулларимизнинг катта сахналарда жаранглаши бизга хамиша илҳом бағишлайди. Юқорида таъкидланган барча қўшиқларда Истиқлол ва Ватан мадҳи жиллоланиб туради. Халқимизнинг Ватанга бўлган улкан меҳр-оқибати куйланади. Миллий гуруру ва миллий ифтихор миллатимизнинг энгилмас куч-қудрати эканлиги тараннум этилади. Истиқлолни химоялаш, қадрлаш, улуғлаш ва унга хизмат қилиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир. Зеро, азалий буюклик маскани бўлган она юртимиз ҳақида қуйлаш ижодкор учун ҳам масъуляти, ҳам бурч, ҳам бахт-саодат...

## «Чавқи»дан диллар шодланди

Самарқандда шаҳарнинг 2750 йиллиги олдидан фольклор-этнографик жамоаларининг республика кўрик-фестивали бўлиб ўтди. Мазкур фестивалда Булунгурнинг «Чавқи» фольклор-этнографик дастаси биринчи ўринни эгаллаб, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг биринчи даражали дипломи ва қимматбаҳо совғасини қўлга киритди.

Миллий фольклор санъатимизнинг ноёб намуналарини халқимизга, хорижлик мусиқа шинавандаларига намойиш этиб, довури дову ошаётган «Чавқи»нинг ҳар бир чиқиши илҳоманд кўнгилларга завқ бағишлайди. Айни кунларда даста бадий жамоаси навбатдаги «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига ҳозирлик ишларида фаол қатнашмоқда. Самарқандда ўтказилган ҳар бир санъат анжумани биз учун ҳақиқий байрам, — дейди дастанинг бадий раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Сувоик Абдуқодилов. — Эшбек Нормуродов, Махмуд Эрматов, Баҳодир Норов, Мавлуда Қўшқова, Насиба Алиева, Гулноз Умарова, Саодат Муҳаммадиева, София Ёмонбоеваларининг ижодий излаишлари эътироф қозоняпти. «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалининг очилиш маросимида қатнашиш биз учун ҳам шараф, ҳам масъулятидир.

Рустам АБДУЛЛАЕВ, Бастакорлар уюшмаси раиси.

Абдурашул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

**Кубок пойтахтликларда**  
Теннис бўйича Ўзбекистон кубогининг якуновчи тур урашувлари бўлиб ўтди.



### Қаҳрамоннинг навбатдаги галабаси

Москвада профессионал бокс кечасида ҳамюртимиз Қаҳрамон Орзикулов навбатдаги рейтинг жангини ўтказди. Бу сафар Қаҳрамонга (51,1 кг.) тожикистонлик боксчи Шухрат Усмонов рақиб бўлди. Сақиз раунд давом этган жанда Ўзбекистонлик боксчи рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмай, ўзининг навбатдаги галабасини нишонлади. Эслаб ўтамиз, Андижон бокс мактаби вакили Қаҳрамон Орзикулов буғунги кунда WBO йўналиши бўйича эса чемпионлик камарига эга.



### Шахматчиларимиз Сингапурда

Жорий йилнинг 5 август кунин Сингапурда 16 ёшга бўлган ўсмирлар ўртасида Булунгур шаҳар олимпиадаси бошланади. Кунин кеча ана шу нуфузли турнирда қатнашадиган Ўзбекистон терма жамоаси Сингапурга жўнаб кетди. Таркибга ака-ука Хуршид ва Жамшид Мустафоев, Евгений Пак, Уллубек Тиллаев сингари тажрибали шахматчилар киритилган.

З. ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Тошкент вилояти ўқувчилари ғолиб

Урганч шаҳридаги «Хоразм» ва «Динамо» спорт мажмуаларида Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Ёзи таътил — 2007» мусобақаларининг футбол бўйича республика финал босқичи натоғиб бўлди. 1991-1992 йилларда тузилган ўсмир ўқувчиларининг футбол майдонларидаги беллашувларида республикамизнинг барча вилоятлари терма жамоалари иштирок этиб, ғолиблик учун кураш олиб борди. Биринчи ўринни Тошкент вилояти терма жамоаси эгаллади. Қорақалпоғистон Республикаси ўқувчилари 2, Тошкент шаҳри ва Хоразм вилояти футболчилари 3-ўринга шараф бўлишди.

О. ЖУМАНИЕВОВ.

### Газ уагурижа астеъмоқчалари ва газ сотувчи ташкилотлар аққатига!

## «Крокус Газ Сервис» ҚҚ

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили куйидагиларни тақлиф этади:

### ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган. Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м<sup>3</sup>, 250 м<sup>3</sup>, 400 м<sup>3</sup>, 650 м<sup>3</sup>, 1000 м<sup>3</sup>, 1600 м<sup>3</sup> гача ва ундан ортиқ. Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида. Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

### Россияда ишлаб чиқарилган «АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧANAЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчагичлари. Ўлчаш диапазонлари: - «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м<sup>3</sup> дан 25 м<sup>3</sup> гача); - «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м<sup>3</sup> дан 40 м<sup>3</sup> гача); - «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м<sup>3</sup> дан 6 м<sup>3</sup> гача); - «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м<sup>3</sup> дан 10 м<sup>3</sup> гача); - «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м<sup>3</sup> дан 16 м<sup>3</sup> гача). Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида. Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 122-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

### «А.Иброҳимов номли Тошкент чинни заводи» ОТАЖ

СОБИҚ ХОДИМЛАРИ ДИҚҚАТИГА! Тугатиш бошқарувчиси «А.Иброҳимов номли Тошкент чинни заводи» ОТАЖ собиқ ходимлари 2005 йил 25 декабрда бўлган муддат учун иш ҳақи пулларини олиб кетишлари мумкинлигини маълум қилади.

Иш ҳақи пуллари ҳар кун соат 15.00 дан кейин «А.Иброҳимов номли Тошкент чинни заводи» ОТАЖнинг эски маъмурият биносидан берилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Сағбон кўчаси, 30-берк кўча, 8-уй.

Ўзингизда паспорт ёки олувчи номига нотариал тасдиқланган ишончнома бўлиши шарт.

Маълумот учун телефонлар: 155-60-36, 185-05-18.

## Российский линолеум Обои виниловые

Форма оплаты — любая  
Товар сертифицирован


тел. 134-48-11  
факс 134-49-58

### КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

## «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК «ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КОРХОНАСИ» ФИЛИАЛИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида минглаб километр узунликда металл қобикли ва замонавий шиша толали магистраль алоқа линиялари ётқизилганини ва ишлаб турганини эслатиб ўтади.

Республика телекоммуникация тармоқларини реконструкциялаш ва ривожлантириш миллий дастурига мувофиқ, алоқа тизими жадал ривожланмоқда, замонавий узатиш тизими билан жиҳозланган янги алоқа линиялари қурилмоқда. Алоқа линиялари муҳофазасини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қондалари» қабул қилинган ва тасдиқланган. Барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари ва жисмоний шахслар томонидан ушбу қондаларга амал қилиш ва магистраль алоқа кабелларига шикаст етказмасликлари шартлиги кўрсатиб ўтилган.



Куйидаги телефонларга мурожаат қилиб, кабель магистраль линиялари ўтган жойлар ҳақида тўлиқ маълумот олишингиз мумкин. Шаҳарлараро алоқа линияларининг шикастланиши алоқа корхоналарига моддий зарар етказиши, халқаро, шаҳарлараро алоқалар, ахборотлар узатиш тизимларида тўхташлар юз беришига олиб келади. Эсда тутиш! Алоқа линияларини шикастлантирган корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарарини тўлайдилар. Қандайдир ер қазих ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурияти туғилиб қолган тақдирда, сиз кабель трассасини ўзбошимчилик билан аниқлашга уринманг, буни фақат бизнинг вакилимиз амалга оширади. Кабель участкаси манзили кабель жойлашган трасса белгисидан кўрсатилган.

### Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар манзили ва телефонлари:

«Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали: Тошкент ш., А.Толстой к., 23-уй, ком-р.	144-61-08, 132-01-26, 144-29-59
ЛКЦ-0 Тошкент ш. КУ-1 Тўйгепа ш. КУ-1 Ф-Л Ангрэн ЛТЦ Бекобод	50-36-79, 380-40-35 21-306, 21-121, 186-57-51 2-27-61, 186-57-51 2-54-11, 316-97-53
1-Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси манзили: Тошкент ш., А.Хўжаев к., 29-уй. КУ-1 Тошкент ш., «Буюк Ипак йўли» к., 264-уй. КУ-2 Янгиёул ш., Чарикова к., 172-уй. КУ-3 Тўйгепа ш.	135-36-59 65-80-43 168-72-86 168-48-57
2-ШМАТБ манзили: Кўқон ш., «Истиқлол» к., 58-уй. КУ-2 Бешариқ тум. маркази, «Сирдарё» к., 9-уй. КУ-3 Наманган ш., Нуробод мас. телеминора. КУ-4 Андижон ш., Чўлпон к., 9-уй. КУ-5 Янгиқўрғон тум. маркази, Чўстий к., 1-уй.	55-2-24-71 61-2-23-66 25-08-82 22-23-81 52-9-24-55
3-ШМАТБ манзили: Гулистон ш., Дўстлик кўр. КУ Сирдарё ш. КУ Жиззах ш. ЛТЦ-2 Янгиер ш.	27-16-20 57-28-98, 57-34-36 77-05-27, 6-22-07 72-30-28, 72-30-24
4-ШМАТБ манзили: Булунгур ш., «Самарқанд» к., 18-уй.	33-52-60
5-ШМАТБ манзили: Бухоро ш., «Ғиждудон» к., 69-уй.	223-38-37
6-ШМАТБ манзили: Нукус ш., «Ашқобод» к., 1-уй. КУ Тўрқўл ш. КУ Беруний ш.	222-37-07, 222-00-43 532-30-60, ички 1-42 524-30-60, ички 1-38
7-ШМАТБ манзили: Термиз ш., Гагарин к., 32-уй. ЛТЦ-16 Денов ш.	3-59-07 7-37-62
8-ШМАТБ манзили: Қарши ш., «Ҳуснобод» к., 1-уй. ЛТЦ-15 Фузор ш.	221-02-41 55-22-1-67
9-ШМАТБ манзили: Урганч ш., Дўсов к., 2-уй.	226-36-58, 226-36-33
10-ШМАТБ манзили: Навоий ш., «Кармана» к., 2-«Б» уй. КУ-3 Каттақўрғон ш. КУ-4 Ғиждудон ш.	224-75-21 45-5-24-54 57-2-14-75

Кабель магистраль алоқа линиялари муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:

- рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотлар тиклаш;
- кабель магистраль алоқа линиялари трассалари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;
- кабель магистраль алоқа линиялари ўтган жойларни кўрсатувчи оғохлантириш устунларини ва белгиларини ўзбошимчилик билан кўчириш, синдириш, қўмиб юбориш;
- турли хил тоғ, қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
- кабель магистраль алоқа линиялари муҳофаза зонасидан қудуқлар қазих, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
- турли хил чинқидилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;
- магистраль линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш ТАҚИҚЛАНАДИ!

### ХУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ! АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН «Ўзбектелеком» АК «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали

«Санавоттехназорат» Давлат инспекцияси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг етакчи мутахассиси Алишер Ҳамробоева укаси УЛУБЕК ҲАМРОБОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдарлик билдиради.	Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси жамоаси «O'zbekiston» телерадиоканалининг Фарғона вилояти бўйича ўз мухбири Обиджон Бердалиева отаси ТУРСУНАЛИ РАҲМОНОВнинг вафот этганини муносабати билан таъзия билдиради.
«Санавоттехназорат» Давлат инспекцияси жамоаси молия-иқтисодий бўлими 1-тоифали мутахассиси Феруза Толиповага онаси СОЛИЯХОН АЛИНинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдарлик билдиради.	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ҳабиб Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти жамоаси етакчи муҳандис Ляли Ҳамробоевага укаси УЛУБЕКНИНг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

### Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 25012 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхоналар билан алоқа ва мижнатлар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаяв ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.40

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева. Навбатчи — Ш. Ортиқов. Мусоҳиҳ — М. Ёзубова.

Тиражот материали  
Топширилди — 21.40 23456